

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

(қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида)

« 16 » 12 2022 йил

Бухоро шаҳри

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Бухоро вилоят ҳудудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи ҳудудий филиал раҳбари Н.Тўраев бир томондан ва Бухоро шаҳар «COMUNICATIONS CONSTRUCTION GROUP» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият раҳбари Х.Ризоев иккинчи томондан Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги Намозгоҳ кўчасида жойлашган 3 уйнинг ташқи қўрғинини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тўздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, ЛОТ 2211001202989 танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «12» декабрь 202989-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигига фойдаланишга топширилишида ҚҚС билан 35 100 000 (ўттиз беш миллион юз минг сўм) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ўн фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи ушбу шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

- ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

- смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш

хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосан Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлар танлов нархларидан олинishi, агарда танловда бўлмаса смета-ҳужжатларидаги нархлардан оlinиb, бажарилган ишлар хисоб-фактурасида кўрсатилиши лoзим.

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лoйиҳага мувофиқ топширади;

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камиди 20%ни ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

- зарур ҳолларда қурилиш-таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

- Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

- қурилиш-таъмирлаш майдонида техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб "3" кун муддатда қурилиш-таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;

- қурилиш-таъмирлаш майдони кўрикланишини таъминлайди;

- белгиланган муддатларда ва вақтларда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда хисоб-фактурасини ойнинг "20"- санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан хисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги кунларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартириш (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

## V. БУЮРТМАЧИНING ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини "3" кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб "3" кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартнома қонуний кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини бошланғич аванс маблағлари тўлангандан сўнг "10" кунда тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда Бухоро вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

- Ишларнинг бошланиши:

2022 йил "16" 12

тугатилиши

2022 йил "31" 12

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) иш қийматининг 30% фонзи, яъни 10 530 000 (ўн миллион беш юз ўттиз минг) сўм миқдорида аванс тўлаб беради.

13. Буюртмачи ва Пудратчи белгиланган муддатларда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини

маълумотнома-хисоб-фактура" билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (тартиб) физик ва киймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ҳамда мазкур объект учун белгиланган тартибда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан вилоят ҳокими фармойиши асосида қўшимча маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан тўловлар амалга оширилади.

14. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг белгиланган муддатларда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий киймати 95 фоизи миқдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича ушбу объект бут ҳолда сакланиши учун жавобграликни ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар кийматидан 5 % фоизи миқдоридаги маблағ мазкур шартноманинг 47-бандида белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштиришнинг кечикиши бюджет маблағларини ажратувчи ва молиялаштирувчи ташкилотнинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича "Буюртмачи" "Пудратчи"нинг олдида жавобгар бўлмайди.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчи (етакчи мутахасис)ни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник кузатувчи - (филиал "Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими" етакчи мутахасиси) ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи Буюртмачининг вакили -техник кузатувчи (филиал "Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими") етакчи мутахасисини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи - етакчи мутахасис Пудратчи томонидан ўтказиладиган, қурилиш-таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи (етакчи мутахасис) билан белгиланган муддатларда объектнинг ўзида қўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ва бажарилган ишлар ҳисоботини "Қўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Бухоро вилоят филиали раҳбариятига топширади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

24. Буюртмачи қурилиш-таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

25. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

26. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурил

ган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилиш-таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи- (Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими етакчи мутахасиси) (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш

бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади. Шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

-Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

-Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

-Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

-Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

-Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлардир.

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

-Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

41. Агар томонлар икки ой ичида қилиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

42. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Курилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

43. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан “3” кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

### 46. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

- ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

47. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб **12 ой** этиб белгиланади.

48. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 50. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан “5” кундан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

- бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб “3” кун ичида топширилмаган ҳолда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 51. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан “5” кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича маълумот "3" кун муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

-иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;
- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;
- объектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани.

Пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчидан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;
- агар Пудратчи нуксонларни қилишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан Пудратчи ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан қелтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига қечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

58. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш ёки тайёр ҳолатда топшириш бўйича мажбурият бузилса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун, шунингдек тугалланиш муддатида ўтказиб юборилган объектлар учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун ва сифатсиз бажарилган ишлар учун аниқланган қийматнинг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси қечиктирилган муддат ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги қерак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг қечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош қортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган қаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари қажмидан ёки молиявий ҳисоб-қитоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қечгириб қилиш ҳуқуқига эга.

61. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқиладди.

#### XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

63. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

64. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

65. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

66. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

67. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

69. Тарафлар мазкур шартнома бандларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сирини тўғрисида"ги қонунига амал қилиши шарт.

70. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди, бир нусхаси "Буюртмачи"да, иккинчи нусхаси "Пудратчи"да учинчи нусха эса инжиниринг компанияси ДУКга тақдим этилади. (қизиқувчи томонларга тарафларнинг рухсати билан шартнома нусхаси берилиши мумкин).

72. Мазкур шартнома вилоят фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга қиради.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАР ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### "БУЮРТМАЧИ"

"Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Бухоро вилояти ҳудудий филиали.

Манзили: Бухоро ш. И.Муминов кўчаси 2 уй.  
Х/Р: 100021860064017069902110008  
ИНН: 307906044

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ҳазначилиги

Банк: МБ ХККМ Марказий банк  
Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
Х/Р 23402000300100001010  
МФО 00014 ИНН 201122919

Рахбар  Н.Тўраев

##### "ПУДРАТЧИ"

"COMUNICATIONS CONSTRUCTION GROUP" МЧЖ  
Манзил: Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Дустобод

Банк: Ўз саноат қурилиш банк Тошкент филиали

Х/Р: 20208000604655060001

МФО: 00440 ИНН: 300606605


Рахбар  Зайонов Хусниддин



**Юрист ҳулосаси:** Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-боб 631-655-моддалари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талаблари асосида тўғри тузилган бўлиб, шартнома предмети, шартнома баҳоси ва тўловлар, тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, низоларнинг ҳал қилиниши ва бошқалар амалдаги қонун талаблари асосида белгиланган.

Гувоҳнома: ЮК 006123

Юрисконсулт:

 Шорасов / Г